

ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ
УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!

XXI ASR

ЎЗЛИДЕР
ИҶТИМОИЙ - СИҲОСИЙ ГАЗЕТАСИ



Gazeta 2004-yil
1-yanvardan chop
etila boshlagan

9-aprel
2026-yil
14 (1 168)

21asr.uz XXIasr_yangiliklari XXIASR XXI_asr@mail.ru xxiasrgazetasi XXIasrgazetasi

Ифтихор СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР:



**МЕН ҲАЁТИМ МОБАЙНИДА
БЕШ НАРСАГА ҚАТЪИЙ ЭЪТИҚОД
ҚЎЙДИМ ВА ҲАМИШАЛИФ УЛАРГА АМАЛ
ҚИЛДИМ. УЛАР УШБУЛАРДИР:**

ОЛЛОҲ – ул ҳар нарсага қодир куч,
сидқидилдан сиғинсанг истаган муроду
мақсудингга етказди.

ТАФАККУР – фикрлаш ва мушоҳада
қобилияти, қувва ҳофизаси кучли инсон
ҳар қандай мушқулу мушқулдони осон
қилиш йўлини топа олади.

ҚИЛИЧ – ул йигитнинг йўлдоши, эл-юрт
осойишталигининг посбони, ҳар қандай
душманни маҳв этиш қуроли, анинг қудрати
ила динсизларни динга солмоқ мумкин.

ИМОН – ул инсонни барча жонлилардан
фарқлантириб тургувчи хусусиятдир.
Имонли одам хиёнат қилмайди, қариндош-
уруғлари, элу халқнинг ор-номусини ҳимоя
қилади, ҳалоллик ва покликни фазилат
билади.

КИТОБ (битик) – барча бунёдкорлик,
яратувчилик ва ақл-идрокнинг, илму
донишнинг асосидир, ҳаётни ўргатувчи
мураббийдир.

6

Устувор мақсадимиз – мамлакатимизда
яшаётган ҳар бир оиланинг, ҳар бир
фуқаронинг ҳаётини тубдан ўзгартириш,
инсон қадри ва фаровонлигини оширишдир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ



#XalqBilanBirga



3

ИШЧИ ГУРУҲ

АНДИЖОНДА “ИПАК ЙЎЛИ” ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИ БОР!

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш,
ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ҳамда жойлардаги
муаммоларни бевосита ўрганиш орқали уларга тезкор ечим топиш
борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, O'zLiDeP
Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси, партиянинг парламент
Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Ақтам Хантов
бошчилигидаги ишчи гуруҳ томонидан ҳудудларга мунтазам
чиқишлар ташкил этилмоқда.

Ушбу сафарлар давомида тадбир-
корлик субъектлари вакиллари
билан очик мулоқотлар ўтказилиб,
уларнинг кундалик фаолиятида уч-
раётган муаммолар, ишни ташкил
этишдаги тўсиқлар, кредит олиш,
солиқ ва бошқа имтиёزلардан фойда-
ланишдаги қийинчиликлар атрофлича
ўрганилмоқда. Энг муҳими, аниқлан-
ган муаммоларни бартараф этиш бўй-
ича амалий чоралар кўрилиб, маҳал-
лий даражада ҳал этиш мумкин бўлган
масалаларга ўша жойнинг ўзида ечим
топилмоқда.

Шу билан бирга, тизимли ха-
рактерга эга муаммолар юзасидан
O'zLiDeP ишчи гуруҳи томонидан қо-
нун ижодкорлиги жараёнига тегишли
таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб,
белгиланган тартибда амалиётга ки-

ритиб келинмоқда. Бу эса тадбир-
корлар манфаатларини ҳимоя қилиш,
ишбилармонлик муҳитини янада эр-
кинлаштириш ҳамда иқтисодий ис-
лохотларнинг самарадорлигини оши-
ришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ана шундай амалий ёндашув до-
ирасида ишчи гуруҳ аъзолари Анди-
жон вилоятида ҳудуднинг sanoat са-
лоҳияти, инвестиция муҳити ҳамда
эркин иқтисодий зоналарида амалга
оширилаётган лойиҳаларни атрофли-
ча ўрганди. Улар “Ипак йўли” эркин
иқтисодий sanoat зонаси фаолияти
билан танишиш билан бирга, замона-
вий корхоналар, янги инвестиция та-
шаббуслари ва экспорт салоҳиятини
ошириш имкониятларини ҳам чуқур
таҳлил қилдилар.

Маълумки, Андижон вилояти са-



ноат, инвестиция ва инновациялар
соҳасида мамлакат иқтисодий сиёса-
тида муҳим ўрин тутаётган ҳудудлар-
дан бирига айланмоқда. Бу, аввало,
республика миқёсидаги стратегик та-
шаббуслар, маҳаллий раҳбариятнинг
аниқ ва самарали чора-тадбирлари
ҳамда тадбиркорларнинг фаол ишти-

роки натижасидир. Хусусан, “Ипак
йўли” эркин иқтисодий зонаси маз-
кур салоҳиятнинг асосий таянч нуқта-
ларидан бири бўлиб, бугун у нафақат
замонавий sanoat хаби, балки
халқаро инвестициялар марка-
зига айланиб бормоқда.

2

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

Шу кунгача

O'zLiDeP тизимидаги

15 145 та бошланғич партия

ташкilotида ҳисобот сайлов

йиғилишлари яқунланиб,

14 254 тасининг ўтган йилги

фаолияти ижобий

баҳоланган бўлса, 891 тасида

раислар қайта сайланди!

2

БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ
КИМНИНГ ЧУНТАГИГА
КИРМОҚДА?




4

ДУАЛ ТАЪЛИМ:
МУАММО ВА ЕЧИМЛАР



5

ИМОМ БУХОРИЙ
МАЖМУАСИ: маънавий
улуғворлик ва замонавий
меъморчилик тажассуми



6

БУЮҚ ЭЪТИРОФ
ёхуд таниқли турк олими, профессор
Аҳмад ШИМШИРГИЛНИНГ “Амир
Темур” асарини ўқиганмисиз?



Бошланиши 1-саҳифада.

Хабаримиз бор, ушбу эркин иқтисодий зонага 2024 йил 15-16 февраль кунлари Президентимизнинг Андижон вилоятига ташрифи чоғида асос солинган эди. Ушбу ташриф доирасида ҳудудда саноат ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш, импорт ўрнини босувчи ва экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қулай инвестиция муҳитини шакллантириш ҳамда юқори технологияли лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ устувор вазифалар белгилаб берилган эди. Шунингдек, “Буюк ипак йўли”да жойлашган давлатлар, айниқса, Хитой Халқ Республикаси билан савдо-иқтисодий алоқаларни мустақамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Шундан бери орадан икки йилдан зиёд вақт ўтди. Бугун Андижон ва Асака адирликлари оралиғида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари ҳар қандай кузатувчини бефарқ қолдирмайди. Бу ерда қад кўтарётган замонавий саноат объектлари фақатгина иқтисодий қудратни ошириш учун эмас, балки аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш йўлида ҳам катта хизмат қилмоқда. Шу маънода, “Ипак йўли” эркин иқтисодий зонасини ҳақли равишда аср лойиҳаларидан бири, деб аташ мумкин.

Президентимизнинг 2024 йил 15 февралдаги “Андижон вилоятида “Ипак йўли” эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, мазкур ҳудудда амалий ишлар йўлга қўйилди. Қарорга асосан, Андижон тумани А. Исмоилов массиви Мингўрик маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан 218,2 гектар ер майдони

168 миллион долларлик яна 9 та лойиҳа амалга оширилиб, 1 520 та янги иш ўрни бунёд этилди. Шунингдек, 13,4 гектар майдонда жойлашган, қиймати 43 миллион долларлик 4 та лойиҳа ишга туширилиб, 115 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилди ва 300 та янги иш ўрни яратилди.

Айни пайтда эркин иқтисодий зонанинг 77 гектар ҳудудида 15 та лойиҳа бўйича қурилиш-пудрат ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Шу билан бирга, ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини барпо этиш учун жами 120,9 миллиард сўм маблағ ажратиш режалаштирилган. Хусусан, 2025 йилда 18,5 миллиард сўм, 2026 йилдаги эса 71 миллиард сўм маблағ ажратилиб, зарур инфраструктура ишлари амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда ҳудуд имкониятларини кенг тарғиб қилиш, қолган 100,6 гектар бўш майдонга хорижий инвестицияларни жалб этиш мақсадида Андижон вилояти ҳокимлиги ва зона дирекцияси томонидан хорижий инвесторлар, йирик компаниялар билан мунтазам музокаралар ўтказилмоқда.

Масалан, Хитойнинг “Faw Trucks” компанияси билан ҳамкорликда 100 миллион долларлик юк автомобиллари ишлаб чиқариш лойиҳаси тақлиф этилган бўлиб, унда 1 500 нафар инсонни ишли қилиш кўзда тутилган. Лойиҳа учун 30 гектар ер майдони ажратилди.

Шунингдек, “Zhenjun Steel Structure Engineering Group Co., LTD” компанияси билан ҳамкорликда қиймати 120 миллион доллар бўлган металл конструкциялар ишлаб чиқариш лойиҳаси илгари сурилган. Мазкур лойиҳа доирасида 300 та иш ўрни кўзда тутилган бўлиб, унга 10 гектар ер майдони ажратилган.



АНДИЖОНДА “ИПАК ЙЎЛИ” ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИ БОР!

ажратилди. Шундан 201 гектарда инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш, 17,2 гектарда эса инфратузилма объектларини барпо этиш режалаштирилди. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида Хитой давлатининг йирик ва салоҳиятли компанияларини жалб этиш бўйича тизимли ишлар бошланди. Белгиланган тартиб асосида инвестиция буюртмалари қабул қилиниб, истиқболли лойиҳаларни ҳудудга жойлаштиришга киришилди.

Ҳозирги кунга қадар эркин иқтисодий зона ҳудудининг 100,4 гектар қисмида умумий қиймати 500,5 милли-

“Ritai (Shanghai) Automotive Standard Parts Co., Ltd.” компанияси билан ҳамкорликда эса автомобиллар учун металл қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона барпо этиш бўйича келишувга эришилди. Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 30 миллион доллар бўлиб, 200 нафар ўғил-қизнинг бандлиги демакдир. 2029 йилгача эса лойиҳа доирасида жами 55 миллион доллар инвестиция киритилиши кутилмоқда.

Андижон вилоятидаги “Ипак йўли” эркин иқтисодий зонасида амалга оширилаётган йирик инвестиция лойиҳалари орасида замонавий энергетика ва қишлоқ ҳўжалиги-

Investment Pte. Ltd компанияси билан ҳамкорликда фаолият юритмоқда. Лойиҳанинг асосий мақсади 6 гектар майдонда гидроэлектростанциялар учун замонавий ускуна ва дастгоҳлар ишлаб чиқарадиган саноат корхонасини барпо этишдан иборат.

Корхонада қуввати 1 киловаттдан 50 киловаттгача бўлган гидротурбиналар (чархпалаклар), шунингдек, турли электр жиҳозлари – электр шитлари, автоматлар, ячейкалар, КИП ва автоматика ускуналари ҳамда лойиҳа дастурлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Лойиҳанинг умумий қиймати 20 миллион АҚШ долларини ташкил этиб, бу маблағ тўлиқ тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига амалга оширилди.

Ишлаб чиқариш қуввати йилга 5,5 миллион долларлик маҳсулотни ташкил этиб, 40 минг донадан ортиқ ускуна ва жиҳозлар ишлаб чиқарилади. Биринчи босқич 2026 йил июнь ойида ишга туширилади. Барча ишлаб чиқариш дастгоҳлари Хитойдан олиб келинади. 200 та янги иш ўрни яратилиб, корхона йилига 12 минг дона маҳсулотни экспорт қилиш орқали 3 миллион долларлик ташқи савдо ҳажмига эришади.

Бу лойиҳанинг энг муҳим жиҳатларидан бири – мамлакатимизда гидроэлектростанциялар учун зарур ускуналарни маҳаллийлаштириш, эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш ва шу орқали соҳасидаги мустақилликни мустақамлашдир. Шу билан бирга, маҳаллий аҳоли бандлигини таъминлаш орқали ижтимоий барқарорликка эришилди.

Шунингдек, “Ипак йўли” эркин иқтисодий зонасида қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ҳам замонавий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, “Longping-Bereke” МЧЖ шаклидаги қўша корхона томонидан гибрид уруғлар етиштириш лойиҳаси изчил ривожлантирилмоқда. Лойиҳа раҳбари – Ҳомаҳ ул-Муҳаммад Содиқ бўлиб, мазкур ташаббус 4 гектар майдонда амалга оширилмоқда. Унинг умумий қиймати 20 миллион АҚШ долларини ташкил этиб, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилинган. Ишлаб чиқариш қуввати йилга 16 минг тонна юқори ҳосилдор гибрид уруғлар етиштириш имконини беради. Корхонага замонавий технология ва ускуналар Хитойдан олиб келинган бўлиб, дастлаб пахта учун юқори ҳосилдор гибрид уруғлар етиштириляпти. Кейинчалик сабзаот, дон ва дуккакли экинлар учун ҳам гибрид навлар ишлаб чиқарилади.

2025 йил август ойида ишга туширилган корхонада ишлаб чиқариш жараёни изчил давом этмоқда. 100 та янги иш ўрни яратилди. Йиллик экспорт салоҳияти эса 3 минг тонна ёки 2 миллион долларга тенг.

Умуман олганда, “Ипак йўли” эркин иқтисодий зонаси бугун янги инвестиция муҳити ва замонавий саноат маркази сифатида қатор устунликларга эга.

Жумладан:
– хорижий ва маҳаллий инвестицияларни кенг жалб

этиш имконияти;

– импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортга йўналтирилган юқори қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш;

– маҳаллий хомашёдан самарали фойдаланган ҳолда саноатни ривожлантириш;

– янги ва доимий иш ўринларини яратиш.

Шу билан бирга, саноат эркин иқтисодий зоналари иштирокчилари учун махсус солиқ ва божхона имтиёзлари жорий этилиши режалаштирилган инвесторлар учун янада қулай муҳит яратилади. Иқтисодчиларнинг таҳлилларига кўра, 2026 йил якунига қадар мазкур ҳудудга 3 миллиард АҚШ долларигача инвестиция жалб этиш имконияти мавжуд. Бу эса Андижон саноатининг халқаро майдондаги нуфузини янада оширади.

Яқин истиқболда амалга оширилиши кўзда тутилаётган йирик лойиҳалар ҳам диққатга сазовор. Масалан, қарийб 10 миллион долларлик инвестиция ҳисобига электр скутерчилари ишлаб чиқаришни йўлга қўйилса, йилга 2 миллион донагача маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради. Шунингдек, хитойлик инвесторлар билан ҳамкорликда 200 миллион долларлик металл конструкциялар ишлаб чиқариш заводи қурилиб, йилга 45 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилиши кутилмоқда.

Яна бир йирик ташаббус – Хитойнинг машҳур FAW бренди билан ҳамкорликда 100 миллион долларлик юк автомобиллари ишлаб чиқариш заводини барпо этишдир. Мазкур корхона йилга 10 мингдан ортиқ юк машинаси ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

Бундай кенг кўламли лойиҳалар Андижон саноат зонасининг экспорт салоҳиятини ошириш, халқаро рақобатбардошликни таъминлаш ва ҳудудни йирик саноат хабисифатида шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Эътиборли жиҳати шундаки, бу кўрсаткичлар фақатгина бир эркин иқтисодий зона доирасидаги натижалар бўлиб, уларнинг умумий иқтисодий таъсири бутун Андижон вилояти ривожига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, вилоятда саноат инфратузилмаси, замонавий технологиялар ва инвестиция муҳитини ривожлантиришга қаратилган ишлар маҳаллий бизнесни қўллаб-қувватлаш, хорижий шерикликни кенгайтириш ва халқаро бозорларга чиқиш имкониятларини янада оширмоқда.

Андижон бугун нафақат саноат маркази, балки инвестиция ва инновациялар уйғунлашган, келажақ технологиялари амалиётга жорий этилаётган ҳудуд сифатида жадал тараққий этмоқда. “Ипак йўли” эркин иқтисодий зонаси эса ушбу тараққийнинг мустақам пойдеворида айланиб бормоқда.

Абдулла ЧИМИРЗАЕВ,
“XXI asr” муҳбири



он долларлик 20 та инвестиция лойиҳаси жойлаштирилди. Уларни амалга ошириш натижасида 3 270 та янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган. Жумладан, 2024 йилда 51,4 гектар майдонда қиймати 302,4 миллион долларлик 9 та лойиҳа жойлаштирилиб, 1 500 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилди. 149,6 гектар ер майдони бўш ҳолда сақланиб қолган эди.

2025 йил давомида эса 44 гектар майдонда қиймати

га ихтисослашган ташаббуслар алоҳида ўрин эгалламоқда. Хусусан, “ANDIJAN JIN LUN YANGI ENERGIYA” МЧЖ шаклидаги хорижий корхона томонидан барпо этилаётган мини гидроэнергия ускуналари ва электр жиҳозлари ишлаб чиқариш лойиҳаси бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур корхона хитойлик Ouyang Hong томонидан таъсис этилган бўлиб, Singapore Jinlun International

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ КИМНИНГ ЧЎНТАГИГА КИРМОҚДА?

Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти кенгашининг навбатдаги сессиясида вилоят мактаблари ва мактаб таълими тизимида аниқланган коррупциявий хатти-ҳаракатлар ташвишли ҳолат деб баҳоланди. Айниқса, ишга жойлаштириш, ротация қилиш, дарс тақсими билан боғлиқ адолатсиз қарорлар, бюджет маблағларини талон-торож қилиш фактлари депутатларнинг жиддий эътирозларига сабаб бўлди.

Сессияда мазкур масала юзасидан вилоят прокурорининг ҳисоботи тингланди.

Маълумки, республика миқёсида мактаб ўқитувчиларини газета ва журналларга обуна қилиш учун бюджетдан салмоқли маблағлар ажратилади. Аммо Сурхондарё вилоятида бу маблағлар 2-3 йилдан буён манзилга етиб бормаяпти. Бу масала ҳар йили кўтарилса-да, ижобий натижа йўқ. Хусусан, 2024 йилда шу мақсадда ажратилган катта миқдордаги маблағ Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси мансабдорлари томонидан Шўрчи туманидаги бир хусусий фирмага ўтказиб юборилган. Бу ҳолат юзасидан обунани ташкил этиш ҳамда газета-журналларни етказиб беришга масъул бўлган вилоят почта хизмати ва матбуот тарқатувчи корхоналар ҳам Кенгашга мурожаат қилган.

Масалани атрофлича ўрганиш жараёни-

да аниқланишича, маблағлар бор-йўғи уч нафар ходимга эга хусусий корхонага ўтказилган. Энди уйлаб кўринг: бутун вилоят ҳудудида жойлашган 900 дан ортиқ мактабларга газета ва журналларни ўз вақтида етказиб беришни уч киши уйда олиши мумкинми?

Албатта, йўқ. Кўриниб турибдики, Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси мансабдорлари бундай мақсадни олдиларига қўйишмаган.

Ушбу маблағларнинг тўлиқ нақдлаштириб юборилгани ва газета-журналлар мактабларга умуман етказиб берилмагани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

2025 йилда ҳам шу мақсад учун ажратилган бюджет маблағлари айнан мазкур йўл билан талон-торож қилинган. Содир этилган ноқонуний хатти-ҳаракатларни яшириш мақсадида Мактабгача ва мактаб таълими бош-

қармаси бош ҳисобчиси бошчилигида мактаблардан газета ҳамда журналлар гўёки ўз вақтида етказиб берилаётгани ҳақида сохта тушунтириш хатлари йиғиб олинган.

Таажубланарли жиҳати шундаки, Мактабгача ва мактаб таълими бошқармасининг собиқ раҳбари ўз фаолияти давомида йўл қўйган қонунбузарликлар учун жавобгарликка тортилган бўлса-да, ушбу ҳолатда асосий масъул шахс – бошқарманинг бош ҳисобчиси жазо ўрнига рағбат олиб, бошқарма бошлигининг ўринбосари лавозимига тайинланган.

Ушбу ҳолат юзасидан прокуратура ҳузурдаги департамент томонидан жиноят иши

қўзғатилган. Бироқ унинг якуний натижалари ҳозирги кунга қадар депутатларга маълум қилинмаган. Обуна учун масъул ташкилотлар бу борада жавоб кутаётган бир пайтда биз, депутатлар аниқ маълумот бера олмаямиз.

Шу билан бир қаторда биз мазкур масалада ижобий силжиш ҳам кўрмаймиз. 2026 йилнинг биринчи чораги яқунланаётган бўлса-да, бугунги кунга қадар на почта ташкилотларига, на матбуот тарқатувчи корхоналарга обуна учун маблағ ажратилган.

Вилоят прокурори айнан мазкур масала бугунги кунда республика миқёсидаги юқори турувчи органлар эътиборида эканини маълум

қилди ва олиб борилаётган ўрганишлар якунлари юзасидан депутатларга атрофлича ахборот тақдим этилишини таъкидлади. Шу билан бирга, у текширув жараёнлари холис ва қонуний асосда олиб борилаётгани, барча масъул шахсларнинг хатти-ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо берилиши ҳамда айбдорларга нисбатан муқаррар чоралар кўрилиши таъминланишини қайд этди.

Буни энди вақт кўрсатади.

Иброҳим ЁҚУБОВ,
халқ депутатлари Сурхондарё вилояти
Кенгаши депутати,
Бюджет комиссияси раиси.

Таҳририятдан: Президентимиз ташаббусига кўра, бюджет ҳисобидан газета ҳамда журналлар обунасига йўналтирилаётган маблағлардан мақсадли фойдаланиш масаласи нафақат мактабгача ва мактаб таълими тизимида, балки бошқа соҳаларда ҳам долзарб бўлиб қолмоқда. Матбуот нашрларининг манзилга ўз вақтида мунтазам етказиб берилишини таъминлаш учун шу тизимда узок йиллардан буён фаолият кўрсатиб келаётган, ўз таърибига эга бўлган ва соҳанинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ташкилотлар, жумладан, “Ўзбекистон почтаси” АЖ тизимидаги матбуот тарқатиш филиаллари ва “Матбуот тарқатувчи” АЖ тизимидаги корхоналар ёки бевосита таҳририятларнинг ўзи билан тўғридан-тўғри шартномалар тузилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Хусусан, таҳририятлар билан тўғридан-тўғри шартнома тузилганда 30 фоизгача бюджет маблағлари тежаб қолинади. Шунингдек, ҳар бир таҳририятда газета ёки журнални арзон нарҳларда манзилга етказиб беришни назорат қилиш имконияти мавжуд.

Манба: “Халқ сўзи” газетаси,
2026 йил 7 апрель, 67-сон

“ХАЛҚ БИЛАН БИРГА”

МАВСУМИЙ ЭМАС, ҲАЁТИЙ ДАСТУР БУ!

ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ШУ ЙИЛ 2 АПРЕЛДА БЎЛИБ ЎТГАН НУФУЗЛИ ТАДБИРИ – СИЁСИЙ КЕНГАШНИНГ VI ЙИҒИЛИШИДА СТАРТ БЕРИЛГАН “ХАЛҚ БИЛАН БИРГА” УМУММИЛЛИЙ ДАСТУРИ ЗАМИРИДА, ЭНГ АВВАЛО, ИНСОН ҚАДР-ҚИММАТИ, ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИ, ЯШАШ ТАРЗИ, ҲАМ МОДДИЙ, ҲАМ МАЪНАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ КАБИ ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТЛАРНИ АМАЛДА РЎЁБГА ЧИҚАРИШДЕК ЮКСАК ВАЗИФА МУЖАССАМДИР.

Табиики, ҳаёт аталмиш улугъ неъмат ҳаммамизга бир марта берилади. Шундай экан, бу дунёда ҳалол яшаш ва меҳнат қилиш, оила қуриш, фарзандлар тарбияси ва давлат ҳамда жамият манфаати йўлида курашмоқ ҳар биримизга улкан масъулият ўқлайди. Шу маънода бугун икки миллион уч юз мингдан кўпроқ маслақдошларимизни бирлаштириб турган O'zLiDeP ташаббуси билан ўртага ташланган ушбу дастурда белгиланган долзарб йўналишлар нафақат ушбу сиёсий куч фаоллари, балки ҳар биримиз учун ўзига хос ҳаёт харитаси десак муволаф бўлмайди.

Дастур мундарижасига кўз ташлай-

лик аввал: Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатда барча соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини теран англаш кўпам мушкул иш эмас. Олайлик, ички ва ташқи сиёсат бобида ёки ижтимоий, иқтисодий ва маънавий-маърифий соҳалардаги ўзгаришлар кўлами анча кенг ва салмоқли. Уларни рақамлар мисолида кўп бора кузатяпмиз. Лекин, асосий мезон, бу одамларнинг ҳаёти, турмуш даражаси ва ниҳоят эртамиз эгалари бўлмиш ёшларга кўрсатилаётган эътибор, ғамхўрлик қоғоз ё сўзда эмас, амалда қандай ўз аксини топаётми? Ана шуниси ҳаммамиз учун муҳимроқ, албатта!



Норқобил ЖАЛИЛОВ,
O'zLiDeP Siyosiy
Кенгаши аъзоси

Демак, O'zLiDePнинг “Халқ билан бирга” умуммиллий дастури бир кун ё бир ойда эмас, аксинча, йил давомида бажарилиши зарур амалий ишлар режасидир. Эътибор берайлик, “Уйма-уй юриш ва аҳоли муаммолари-

ни ўрганиш”, “1 миллион хонадонга кириб муаммолар ўрганилиб, ёрдам кўрсатиш”, “Мобил штаблар ва сайёр қабуллар ташкил этиш”, “Камбағалликни қисқартириш ва ижтимоий ёрдамлар”, “Ёшлар ва аёллар учун тад-

биркорлик кўникмалари” ва ҳоказо...

Бир сўз билан айтганда, дастурдан очик мулоқотлар, муҳокамалар, жамоатчилик назорати тадбирларини уюштириш каби яна ўнлаб энг долзарб вазифалар ўрин олган. Белгиланган вазифалар жиддий ва алоҳида масъулият талаб қиладиган иш. Яна бир жиҳати, ушбу дастурда акс этган тадбирлар тарғиботида эътибор қаратиладиган масалалар кам эмас. Негаки, бу ҳужжат фақат ушбу сиёсий куч ва унинг аъзолари манфаати учун эмас, балки кенг омма, яъни аҳолининг барча қатламларига ҳам дахлдор эканини унутмаслик керак.

Жараён эса бошланди. Ҳаракатга куч, сизу бизга эса руҳ, илҳом берадиган эзгу амаллар ижроси хайрли бўлсин. Ваъда вафоси билан гўзал дейдилар. Халқ, эл-улус билан юзлашиш, қувонч-ташвишига шерик бўлмоқ баробарида уларни қийнаётган ва ўйлантираётган муаммоларга ечим топтоқ ҳар биримизнинг шарафли бурчимизга айлансин!

МУҲИМ ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТ

Бугунги кунда тараққиётни фақат иқтисодий кўрсаткич ёки инфратузилмавий ўзгаришлар эмас, балки инсон қадр, ижтимоий ҳимоя, ҳамжиҳатлик ва ўзаро масъулият даражаси билан баҳолаш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Асосий жиҳати шундаки, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлашни фақат давлатнинг эмас, балки бутун жамиятнинг умумий масъулияти сифатида талкин қилади.

Дастурга муносабат билдирганда, аввало, унинг ижтимоий аҳамиятига эътибор қаратиш лозим. Чунки ҳужжат ёрдамга муҳтож, кам таъминланган, ижтимоий кўмакка эҳтиёжи юқори бўлган аҳоли қатламларига манзилли ёрдам кўрсатишни назарда тутди. Бу эса жамиятда ижтимоий адолатни таъминлайди, тенг имкониятлар муҳитини шакллантиради ва аҳоли турмуш сифатини яхшилайди. Айниқса, моддий ёрдам, тиббий кўмак, таълимга кўмаклашиш, бандликни таъминлаш, касбга ўқитиш, ёшлар ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, ногиронлиги бўлган шахсларга ёрдам бериш кабиларнинг ўрин олгани унинг мазмунан кенг ва ҳаётий эҳтиёжларга яқинлигидан. Масалан, “юракка йўл” ғояси ва айни номдаги акция расмий чора-тадбир ёки ҳисоботбоп лойиҳалар эмас, балки инсоннинг ҳолидан хабар олиш, дардига шерик бўлиш ва амалий ёрдам кўрсатишни назарда тутди.

Дастур доирасида давлат органлари, партия фракцияси ҳамда депутатлари, тузилмалари,

маҳалла, тадбиркорлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар бир мақсад йўлида бирлашади. Натижада жамиятнинг турли қатламлари ўртасида ўзаро ишонч мустаҳкамланади, ижтимоий шериклик маданияти ривожланади ва “меннинг муаммом” деган тор доирадан “бизнинг умумий масъулиятимиз” деган кенг ижтимоий қарашга ўтилади. Аслида, жамиятнинг куч-қудрати ҳам ана шундай ўзаро ҳамкорлик ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш билан белгиланади.

Алоҳида эътирофга лойиқ жиҳати шундаки, дастур тадбиркорлик субъектларининг ижтимоий масъулиятини оширишга қаратилган. Одатда бизнес фаолият кўпроқ иқтисодий манфаат, ишлаб чиқариш ва бозор муносабатлари билан боғлаб қаралади. Аммо дастур ушбу соҳа эгаларини фақат иш ўрни яратувчи, солиқ тўловчи субъект сифатида эмас, балки жамият олдида маънавий ва ижтимоий бурчи мавжуд бўлган фаол куч сифатида талкин қилади. Эҳтиёжмандларни ҳомиёликка олиш, ёшларни ишга жойлаш, касбга ўқитиш, хотин-қизлар ва ногиронлиги бор шахсларни қўллаб-қувватлаш, тиббий ва маънавий кўмак бериш орқали тадбиркорликнинг янги ижтимоий масъулиятли модели шаклланади. Бу эса бизнеснинг

жамиятдаги нуфузини оширади ва иқтисодий фаолликни инсонпарварлик ғоялари билан бойитади.

Яна бир муҳим томони, ушбу дастурда манзилли ёрдам ва тизимли ишлаш механизмлари ҳам назарда тутилган. Уйма-уй юриш, мобил штаблар фаолияти, қабуллар, онлайн ва офлайн сўровномалар, “Депутат билан очик суҳбат” платформаси, маҳалла билан ҳамкорликда ўрганишлар ўтказиш кабилар аҳоли муаммоларини умумий эмас, балки аниқ ва ҳаётий аниқлашга ундайди. Айниқса, оилаларнинг қизиқиш ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда бандлик, тадбиркорлик, касаначилик, томорқачилик ёки касбга ўқитиш орқали уларни доимий даромад манбаи билан таъминлашга интилиш дастурнинг узоқ муддатли ижтимоий самарасига ишора қилади.

Ҳужжат давлат сиёсати, жамоатчилик иштироки ва тадбиркорлик ташаббусини бир нуқтада бирлаштиради. Дарвоқе, ушбу ташаббус жамиятга шунчаки ёрдам беришни эмас, балки бирга яшаш, бирга масъул бўлиш ва бирга тараққиёт этиш ғоясини сингдиради. Ана шу жиҳати билан ҳам замонавий Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида катта маънавий ва амалий аҳамият касб этувчи дастур сифатида юксак баҳога лойиқдир.



Жасур ЖУМАЕВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

КАБИНЕТДА ИШ БИТМАЙДИ...



Муҳаммад ЭШНИЁЗОВ,
O'zLiDeP Navoiy viloyati
кенгаши аппарат раҳбари

Гувоҳи бўлганимиздек, бу дастур шунчаки сиёсий шиор ёки ташаббус эмас, балки амалда натижа бераётган, халқ дардини эшитиш ва уни бартараф этишга қаратилган тизимли ҳаракатлар мажмуи, десак муволаф бўлмайди. Масалан, Навоий вилоятида бу борада амалга оширилиши режалаштирилган ишлар кўлами анча катта.

Партия вилоят кенгаши жамоаси, маҳаллий кенгаш депутатлари ҳамда фаолларимиз томонидан жойларда аҳоли билан юзма-юз мулоқот энди янада кучайтирилади. Бу эса муаммоларни кабинетда эмас, балки ҳаётнинг ўзида кўриш ва ҳал этиш имконини бериши аниқ.

Айниқса, шу вақтгача Кармана, Хатирчи ва Нурота туманларида олиб борилган ўрганишлар натижасида

ўнлаб муаммоларга ечим топилгани аҳоли томонидан ижобий баҳоланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, одамларнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Мазкур дастур доирасида тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Вилоят миқёсида ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка жалб этиш бўйича амалий учрашувлар, семинар ва дара суҳбатлари мунтазам ташкил этиш режалаштирилган. Шу билан бирга, банк кредитлари, имтиёзли молиявий воситалардан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилиб, аҳолининг ўз бизнесини йўлга қўйиши учун қўлай шароитлар яратиш белгиланган. Бу эса нафақат иқтисодий фаолликни оширишга, балки оилалар даромадини кўпайтиришга, турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади.

СЎЗДА ЭМАС, АМАЛДА ИСБОТ КЕРАК



Алибек ИШЧАНОВ,
Халқ депутатлари Хоразм
вилоят кенгаши депутати

“Халқ билан бирга” умуммиллий дастури, албатта бир кун ё бир ойда ўз мевасини бериши қийин. Вақт ва фидойилик, асосийси, шу партия вакилиман деган инсон, аввало, масъулиятни чуқур ҳис этиши керак. Айниқса, ҳар қандай муаммо, мурожаатга ўша худуднинг ўзида ечим изланиши лозим. Бунинг учун ҳамма ўз вазифасини, бурчини ҳалол бажарсагина натижа бўлади. Аксинча, яна бир жойда депсиниб тураверилади.

Шахсан ўзим O'zLiDeP Siyosiy Kengashi йиғилишида партиямиз ра-

иси Ақтам Хайтовнинг чиқишини кузатиб шундай хулосага келдим: бу дастур чин маънода сиёсий кучнинг халқ билан ҳамма билан эканлиги ва одамларнинг қувонч-ташвишларига шерик бўлишини исботлайди. Таъкидланганидек, хонадонма-хонадон юриш орқали аҳоли ҳолидан хабар олиш, ҳар бир оиланинг ижтимоий аҳволини чуқур ўрганиш, эҳтиёжманд ва кам таъминланган оилаларни аниқлаш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш ишлари тизимли йўлга қўйилиши муҳим жараён ҳисобланади. Табиийки, жамоатчиликни қийнаётган муаммоларга маҳаллий ҳокимият ва тегишли ташкилотлар вакиллари билан биргаликда тезкор ечим топиш, инфратузилмани яхшилаш, янги иш ўринлари яратиш ва тадбиркорликни ривожлантиришга жиддий аҳамият қаратилади.

ДАСТУРГА ҲАМОҲАНГ



Нарпай туманидаги “Ўзбекистон” маҳалласида ердан унумли фойдаланиб, йил давомида барқарор даромад олаётган илгор томорқачилар кўп. Улар орасида халқ депутатлари туман кенгаши депутати Ҳақим Расулов алоҳида эътирофга лойиқ.

O'zLiDePнинг “Халқ билан бирга” умуммиллий дастури доирасида амалга оширилаётган “Намунали томорқачи” лойиҳаси ҳудудда изчил ва самарали татбиқ этилмоқда. Халқ вакили ушбу ташаббусларнинг фаол иштирокчиси сифатида ўз томорқачида илгор агротехнологияларни жорий этиб, бошқаларга ҳам ўрнак

бўлиб келмоқда. Унинг меҳнат фалсафаси оддий, аммо самарали: ер ҳеч қачон бўш қолмаслиги керак. Шунинг учун ҳам унинг оиласи бир мавсумда топаётган даромад 135-150 миллион сўм атрофида бўлмоқда.

Эътиборли жиҳати, Ҳақим ака ўз тажрибасини бошқалар билан баҳам кўришдан чарчамайди. Шу кунга қадар у 200 нафардан ортиқ шогирд тайёрлаб, уларга деҳқончилик сир-асрорларини ўргатган. Унинг издошлари орасида “Намунали томорқачи” кўрак нишон соҳиблари борлиги эса устоз меҳнатининг амалий натижасидир.

O'zLiDeP Самарқанд вилояти кенгаши матбуот хизмати

ТАХЛИЛ

ДУАЛ ТАЪЛИМ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда дуал таълимни жорий этиш ҳаракатлари сезиларли даражада кучайди. Ҳар ҳолда тез-тез кулоғимизга шу атама чалинаётгани бежиз эмас. Ҳўш, дуал таълим нима ўзи? Бу оддий қилиб айтганда, "ўқиш ва ишни бирлаштириш" деганидир. Ушбу ёндашув талабага нафақат назарий билимларни эгаллаш имконини беради, балки уларни амалда қўллашга ҳам шароит яратди. Талаба аудиторияда, синфда ўрганади, аммо шу билан бирга иш жойида тажриба орттириб, касбий мухитни, жамоада ишлаш маданиятини ҳис қилади.

Энг катта афзаллиги – "дипломли, лекин тажрибасиз" муаммосини бартараф этади. Дуал таълим битирувчисининг қўлида нафақат диплом, балки иш жойида амалий тажриба ҳам бўлади. У аллақачон иш мухитини кўрган, жамоада фаол иштирок этган, масъулиятни ҳис қилган кадрга айланади. Бу эса унинг иш топиш имкониятини сезиларли оширади.

Шу билан бирга, талабанинг молиявий мустақиллигини таъминлайди. У олий таълим давомидеяқ маълум бир даромадга эга бўлади. Бу, нафақат оила учун иқтисодий юкни енгиллаштиради, балки ёшларнинг меҳнатга муносабатни шакллантиради, меҳнатни қадрлаш ва масъулиятни англаш ҳиссини ривожлантиради.

Яна бир муҳим жиҳати – амалиётда қўлланган назарий билимнинг ўзига хос синтетизини таъминлайди. Талаба назарияни тушунади ва уни иш жараёнида қўллайди. Шу орқали китоблардан олинган билим амалий малакага айланади.

Бугунги кунда иш бериувчилар тажрибали, масъулиятли, мустақил фикрлай оладиган ходимларни изламоқда. Дуал таълим ана шу талабларга жавоб берадиган кадрни тайёрлайди. Бир сўз билан айтганда, дуал таълим – бу фақат ўқиш эмас, балки ҳаётга тайёргарлик, билим ва тажрибани уйғунлаштирувчи самарали тизимдир. Талаба учун бу билим, тажриба ва молиявий мустақиллик дегани, жамият учун эса малакали ва меҳнатқаш кадрлар демакдир. Шубҳасиз, бу ёндашув замонавий олий таълимнинг энг тўғри ва мақбул йўналишларидан бири ҳисобланади. Бироқ...

ҚОҒОЗДА ҚОЛМАСЛИГИ ЛОЗИМ

Охириги пайтда таълим тизимида "амалиётга яқинлаштириш", "касбга йўналтириш" тушунчалари тобора кўпроқ тилга олинмоқда. Бу – замон талаби. Чунки ҳозирги иқтисодий фақат дипломли эмас, балки амалий кўникмага эга мутахассисини талаб қилмоқда.

Аммо... биз бу йўлни аввал босиб ўтмаганмидик? Халқимизда, тили куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичади, деган нақл бор. УЧИМ (ўқув-ишлаб чиқариш мажмуалари)дан дуал таълимнинг нима афзаллиги бор? Нима ўзгарди?

Едингида бўлса, 2017–2018 йилларда умумтаълим мактабларининг 10-11-синф ўқувчилари учун касб ўргатиш мақсадида ташкил этилган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуалари – ҳам айнан шу мақсадда жорий этилган эди. Ният яхши эди, аммо натижа қутилганидек бўлмади.

Ҳўш, қаерда хато кетди? Дангал айтадиган бўлсак, энг аввало, УЧИМлар таълим тизими доирасида "айланиб" қолди. Яъни ўқувчи мактабдан чиқмади ва ишлаб чиқариш мухитига кирмади. Корхоналар эса бу жараёнда фаол иштирок этмади. Натижада амалиёт тушунчаси қоғозда қолди: ўқувчи назарий билим олди, лекин ишни амалий равишда ўрганмади. Қўлига касб олмаган, дастгоҳ ёнида турмаган кадрдан етук мутахассис чиқиси қийин.

Рағбатнинг йўқлиги ҳам сезилди. Корхоналар учун на молиявий манфаат, на имтиёз бор эди. Аксинча, бу жараён улар учун ортиқча ташвиш сифатида қабул қилинди. Табиийки, манфаат бўлмаган жойда ташаббус ҳам бўлмайди. Кўп жойларда эски усуллар ва замонавий технологияларнинг йўқлиги ҳам масалани қийинлаштирди. Ўқувчи замонавий ишлаб чиқариш жараёни билан танишмади, аслида эса "кечаги кун"ни кўрди. Бу эса унинг меҳнат бозори талабларига мослашишини чеклади.

Устозлар масаласи ҳам жиддий муаммога айланади. Амалиётни ўргатиши лозим бўлган мутахассис ишлаб чиқаришдан узоқ бўлган ҳолда дарс берса, натижани тасаввур қилиш қийин бўлади. Дарсларда назария устун келди, амалий кўникмалар эса иккинчи даражада тушиб қолди. Меҳнат бозори билан узиллиш ҳам сезилди. Қайси касбларга талаб борлиги аниқ таҳлил қилинмади, натижада эса бозорга керакисиз кадрлар тайёрланди. Охир-оқибат, сифат эмас, миқдор устувор бўлди: қамров кенгайди, лекин самара пасайди. Алалоқибат бу тизимнинг самарасизлиги кўриниб қолди.



Ҳозир эса дуал таълимга катта умид боғланмоқда. У таълимни амалиёт билан боғлашнинг энг тўғри йўли сифатида кўрилмақда. Лекин очиқ тан олиш керак: агар кечаги хатолардан хулоса чиқарилмаса, янги тизим ҳам қутилган натижа бермаслиги мумкин. Агар амалиёт яна қоғозда қолса, талабалар ҳақиқий иш жойига чиқмаса, инфратузилма янгиланмаса ва касблар бозор талабларига мувофиқ танланмаса – янги тизим эски муаммоларни тақдорлайди. Бундай ҳолатда фақат ном ўзгаради, мазмун эса ўзгармайди. Бу эса вақт, ресурс ва ёшлар келажагини йўқотишга олиб келади.

Масаланинг ечими бор. Аммо бунга эришиш учун аввал бир ҳақиқатни тан олиш керак: кадр кимга керак бўлса – уни ўша тайёрлаши лозим. Демак, бу янгилик таълим тизими марказида эмас, балки бизнес марказида бўлиши керак. Иш бериувчи фақат томошабин эмас, балки тўлиқ иштирокчига айланиши шарт.

Энг муҳими, амалий таълим ҳақиқий иш жойида ташкил қилиниши керак. Ўқувчи реал жараёнда иштирок этмаса, унинг билими мукамал бўлмайди. Яна бир муҳим жиҳат – шошилмаслик. Дарҳол катта қамровга чиқиш ўрнига, аввал кичик, лекин самарали лойиҳалар билан бошлаш керак. Сифат шакллангандан кейингина миқдорни ошириш мумкин.

УЧИМ муваффақиятсиз бўлганининг сабаби ғоянинг нотўғрилигида эмас, балки уни амалга ошириш механизми етишмаганида эди. Дуал таълим эса айнан шу камчиликларни олдини олиш имконини беради. Аммо унинг ҳам битта оддий қоидаси бор: агар у бизнес учун фойдали бўлса – ишлайди, йўқса қоғозда қолади. Бугунги асосий савол шу: биз бу гал хатолардан ҳақиқий сабоқ чиқара оламизми ёки яна бир имкониятни бой берамизми?

О'zLiDeP ҲАМКОРЛИКНИ КУЧАЙТИРМОҚЧИ

О'zLiDeP ташаббуси билан амалга оширилаётган "Касбий таълим истиқболлари" лойиҳаси бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Яқинда ўтказилган "Дуал таълим ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигини кучайтириш" мавзусидаги давра суҳбатига соҳадари долзарб муаммолар ва уларнинг ечимлари атрофида муҳокама қилинди. Хусусан, иш бериувчилар иштирокининг етарли эмаслиги, ўқув дастурларининг бозор талабига тўлиқ мос келмаслиги, моддий-техник база каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Шу билан бирга, таълим

жараёнини такомиллаштириш бўйича аниқ таклифлар илгари сурилди. Жумладан:

- кўпгина корхоналар ҳали ҳам ўзларига келадиган ёш мутахассисларни тайёрлашга қодир эмас. Улар учун бу – кўшимча юк, қўшимча масъулият. Шу боис талаба корхонага боради, аммо фойдали кўникмани эгаллаши жуда суст;
– ўқув дастурларида камчиликлар талайгина: назарий

ётқи яхши ўзлаштирган ходим ишни тез, аниқ ва сифатли бажаради. Бу эса маҳсулот сифати ошишига, иш жараёнининг оптималлашишига ва умумий самарадорлиқнинг юксалишига хизмат қилади. Натижада корхона ҳам, бутун иқтисодиёт ҳам ютқўқа эришади.

Дуал таълимнинг яна бир муҳим жиҳати – инвестиция мухитига кўрсатадиган ижобий таъсиридир. Ҳар қандай сармоядор, аввало, малакали ишчи кучи мавжуд бўлган ҳудудга қизиқади. Агар мамлакатда тайёр кадрлар етишмаса, энг яхши лойиҳалар ҳам қоғозда қолиб кетиши мумкин. Дуал таълим эса айнан шу муаммони ҳал қилиб, инвесторлар учун ишончли асос яратди. Бу эса янги иш ўринлари, янги технологиялар ва иқтисодий ўсиш демакдир.

GERMANYA TAЖRIBASI

Дуал таълим дунё бўйича турли мамлакатларда мавжуд, аммо унинг энг самарали намунаси сифатида Германия тажрибаси алоҳида эътироф этилади. Бу ерда ёшларнинг катта қисми касб эгаллашни айнан дуал таълим орқали амалга оширади: улар бир вақтнинг ўзида таълим муассасасида ўқиб, корхоналарда ишлайди.

Германияда тизим босқичма-босқич ривожланган. 1970 йилларда ёшлар ишсизлиги 6-8 фоиз атрофида бўлган бўлса, 2000 йилларга келиб дуал таълим тўлиқ шаклланиб кўрсаткич пасая бошлаган. 2010–2020 йилларда эса бу рақам 3-6 фоизга қисқарган.

Халқаро тажриба ҳам дуал таълимнинг самарадорлигини тасдиқлайди. Европа мамлакатлари кесимида қаралганда, ушбу тизим кенг жорий этилган Австрия, Швейцария ва Данияда ёшлар ишсизлиги 8–12 фоиз атрофида бўлиб, нисбатан паст кўрсаткични ташкил этди. Аксинча, Испания ва Грецияда бу таълим етарли даражада ривожланмагани сабабли ишсизлик ҳозирда бу давлатларда 20–40 фоизни ташкил этмоқда.

АҚШда тўлиқ шаклланиб кетган дуал таълим тизими мавжуд эмас, аммо apprenticeship дастурлари орқали унинг айрим элементлари қўлланилади. Натижада 1990–2000 йиллардаги 10-12 фоизлик ишсизлик кўрсаткичи 2015–2023 йилларда 7-9 фоизгача пасайган. Бироқ тизимнинг чеклангани сабабли унинг таъсири ҳам нисбатан камроқ.

Жанубий Корея эса 2013 йилдан бошлаб Германия тажрибаси асосида дуал таълимни жорий этди. Ислохотлардан олдин ёшлар ишсизлиги 9-10 фоиздан 2018-2022 йилларда 7-8 фоизгача тушди.

Эътиборли жиҳати, Германияда дуал таълим битирувчиларнинг 60-80 фоизи ўқиш давомидеяда ишлаган жойларида ў фаолиятини давом эттириб келмоқда.

НИМА ҚИЛМОҚ КЕРАК?

Муаммоларни санаш кифоя эмас, албатта. Энг муҳим масала – уни қандай қилиб тўғри йўлга қўйиш, қандай амалий чоралар орқали самарага эришишдир. Бу жараён шошилиш қарорлар билан эмас, пухта ўйланган, босқичма-босқич амалга оширилаётган стратегия орқали ҳал қилиниши лозим.

Юқорида айтганимиздек, дуал таълимни ривожлантиришда бизнеснинг ўрни муҳим бўлиб, агар корхоналар бу жараёнга қизиқмаса, орзу фақат қоғозда қолиб кетади. Шу боис уларни рағбатлантиришнинг аниқ механизмларини ишлаб чиқиш зарур. Солиқ имтиёзлари, субсидиялар, турли молиявий энгилликлар корхоналарни ёш кадрлар тайёрлашга жалб қилишда самарали восита бўлади. Чунки тадбиркор, аввало, ўз манфаатини ўйлайди, агар унга бу жараён иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлса, у албатта иштирок этади.

Дуал таълимнинг қонунчилик базасини кучайтириш, уни амалиётда ишлайдиган ҳужжатлар билан таъминлаш зарур. Энг асосий жиҳат эса давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳақиқий шерикликни таъминлашдир. Чунки бу икки томон бир-бирисиз мақсадга эриша олмайди: давлат – қонун, тизим ва йўналиш беради, тадбиркор эса амалий майдон ва имконият яратди. Улар биргаликда ҳаракат қилсагина таълим ўзининг ҳақиқий мазмунини топади.

Алишер ИСМОИЛОВ, О'zLiDeP Амалий лойиҳалар ва сиёсий таълим маркази бош мутахассиси

ВАКИЛИМИЗ

Эл дуосидан руҳ олади

Муроджон Маъдиев ҳаётнинг қутилган ва қутилмаган машаққатли тўсиқларини метин иродаси, захматли меҳнати, тинимсиз изланишлари билан енгиб, синовларда тобланиб келадиган иқтидорли ёшлардан бири. У 7-Нартичқур сайлов округидан халқ депутатлари Косон туман кенгаши депутати этиб сайланган. Бу ҳудудда "Нартичқур" ва "Ширинобод" маҳалла фуқаролар йиғинлари бўлиб, улардаги 1 598 та оилада 7 704 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ўтган йил мобайнлик депутатнинг кўмаги билан 30 дан ортиқ йиғит-қиз ўз тадбиркорлигини йўлга қўйди.

Хотин-қизлар ўртасида кўчатчилик ва томорқачилик билан шуғулланиб, рўзғорига барака киритаётган оилавий тадбиркорлар сони кун сайин ортиб бормоқда. Муроджон муттасил равишда сайловчилар билан учрашиб, ўзи сайланган ҳудуд аҳолисининг дарду ташвишлари, муаммолари, орзу-ўйларини чуқур ўрганиб, уларни бартараф этиш учун бор билим ва тажрибасини ишга солаётди. Сайловчиларнинг ички йўллари таъмирлаш, чиқиндиҳоналарни контейнер билан таъминлаш, яроқсиз бўлиб қолган ёғоч симёғочларни бетонлисига алмаштириш, ичимлик суви таъминоти яхшилаш борасидаги муурожаатлари ижобий ҳал этилди.

Муроджон Маъдиев "Гиссар-нефтьгаз" қўшма корхонаси раҳбари, О'zLiDeP вилоят кенгаши фаоли сифатида "Маҳаллани ривожлантириш

ва жамиятни юксалтириш йили"да иқтисодиётнинг устувор йўналишлари учун оқори интеллектуал салоҳиятга эга бўлган кадрларни тайёрлашга эътиборни кучайтириш, мамлакат илм-фани ва амалиётда юзага келадиган инновацияларнинг аҳамияти, тадбиркорлик соҳасида креатив фикрлаш, янгиликка интилиш, ҳар бир масала ва муаммога ижодкорона ёндашув зарурлиги юзасидан амалий таклифлар билан чиқаяпти. Жойларда партиянинг дастурий мақсадларини кенг тарғибот қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини янада яхшилаш борасидаги ишларда ҳам унинг хизматлари беқиёс.

– Иқтисодиётни рақобатдош қилиш, инвестициялар самарадорлигини ошириш, sanoat тармоқларини техно-



логик трансформациялашда мутлақо янги ёндашулар талаб этилмоқда, – дейди О'zLiDeP Косон туман кенгаши раиси Муроджон Маъдиев. – Янги Ўзбекистонимизда "Рақамли стартаплар" дастурини кенгайтириб, стартап ғоясидан то экспортгача қўмаклашадиган янги тизимни йўлга қўйиши борасида амалий ишлар бошланган. Айниқса, туманимиз маҳаллаларида

яшаётган ёшларнинг креатив тафаккури, изланишлари, тақдим этаётган ғоялари ва ишбилармонлик салоҳиятини аниқлаш, уларни замонавий билим ва амалий кўникмалар билан таъминлаш, маҳаллий имкониятлар асосида тадбиркорлик фаолиятини жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бандлик ва фаровонликни янада ошириш мақсадида иқтидорли йиғит-қизлар-

нинг иқтисодий жараёнларда фаол иштирокини таъминлашимиз, стартап ғоялари, инновацион изланишларини рағбатлантирган ҳолда тенгқурлари учун янги иш ўринлари яратиш борасидаги ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз шарт.

Суҳбатдошимизнинг таъкидлашича, Косон туманида бугунги кунда 77 459 нафар ёшлар истиқомат қилади. Уларни иш билан таъминлаш, тадбиркорликка жалб этиш ва маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эътибор қаратиш осон иш эмас, албатта. Масалан, ўтган йили вақтинча ишсиз юрган 1 069 нафар ёшнинг бандлиги таъминланган. Жорий йилда эса 380 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Хизмат кўрсатиш, тадбиркорликка жалб этиш ва маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эътибор қаратиш осон иш эмас, албатта. Масалан, ўтган йили вақтинча ишсиз юрган 1 069 нафар ёшнинг бандлиги таъминланган. Жорий йилда эса 380 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Хизмат кўрсатиш, тадбиркорликка жалб этиш ва маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эътибор қаратиш осон иш эмас, албатта. Масалан, ўтган йили вақтинча ишсиз юрган 1 069 нафар ёшнинг бандлиги таъминланган. Жорий йилда эса 380 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Хизмат кўрсатиш, тадбиркорликка жалб этиш ва маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эътибор қаратиш осон иш эмас, албатта. Масалан, ўтган йили вақтинча ишсиз юрган 1 069 нафар ёшнинг бандлиги таъминланган. Жорий йилда эса 380 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Хизмат кўрсатиш, тадбиркорликка жалб этиш ва маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эътибор қаратиш осон иш эмас, албатта. Масалан, ўтган йили вақтинча ишсиз юрган 1 069 нафар ёшнинг бандлиги таъминланган. Жорий йилда эса 380 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Хизмат кўрсатиш, тадбиркорликка жалб этиш ва маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эътибор қаратиш осон иш эмас, албатта. Масалан, ўтган йили вақтинча ишсиз юрган 1 069 нафар ёшнинг бандлиги таъминланган. Жорий йилда эса 380 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Хизмат кўрсатиш, тадбиркорликка жалб этиш ва маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эътибор қаратиш осон иш эмас, албатта. Масалан, ўтган йили вақтинча ишсиз юрган 1 069 нафар ёшнинг бандлиги таъминланган. Жорий йилда эса 380 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Хизмат кўрсатиш, тадбиркорликка жалб этиш ва маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эътибор қаратиш осон иш эмас, албатта. Масалан, ўтган йили вақтинча ишсиз юрган 1 069 нафар ёшнинг бандлиги таъминланган. Жорий йилда эса 380 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Хизмат кўрсатиш, тадбиркорликка жалб этиш ва маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эътибор қаратиш осон иш эмас, албатта. Масалан, ўтган йили вақтинча ишсиз юрган 1 069 нафар ёшнинг бандлиги таъминланган. Жорий йилда эса 380 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Хизмат кўрсатиш, тадбиркорликка жалб этиш ва маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эътибор қаратиш осон иш эмас, албатта. Масалан, ўтган йили вақтинча ишсиз юрган 1 069 нафар ёшнинг бандлиги таъминланган. Жорий йилда эса 380 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Хизмат кўрсатиш, тадбиркорликка жалб этиш ва маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эътибор қаратиш осон иш эмас, албатта. Масалан, ўтган йили вақтинча ишсиз юрган 1 069 нафар ёшнинг бандлиги таъминланган. Жорий йилда эса 380 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Хизмат кўрсатиш, тадбиркорликка жалб этиш ва маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эътибор қаратиш осон иш эмас, албатта. Масалан, ўтган йили вақтинча ишсиз юрган 1 069 нафар ёшнинг бандлиги таъминланган. Жорий йилда эса 380 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Хизмат кўрсатиш, тадбиркорликка жалб этиш ва маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эътибор қаратиш осон иш эмас, албатта. Масалан, ўтган йили вақтинча ишсиз юрган 1 069 нафар ёшнинг бандлиги таъминланган. Жорий йилда эса 380 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Хизмат кўрсатиш, тадбиркорликка жалб этиш ва маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эътибор қаратиш осон иш эмас, албатта. Масалан, ўтган йили вақтинча ишсиз юрган 1 069 нафар ёшнинг бандлиги таъминланган. Жорий йилда эса 380 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Хизмат кўрсатиш, тадбиркорликка жалб этиш ва маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эътибор қаратиш осон иш эмас, албатта. Масалан, ўтган йили вақтинча ишсиз юрган 1 069 нафар ёшнинг бандлиги таъминланган. Жорий йилда эса 380 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Хизмат кўрсатиш, тадбиркорликка жалб этиш ва маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эътибор қаратиш осон иш эмас, албатта. Масалан, ўтган йили вақтинча ишсиз юрган 1 069 нафар ёшнинг бандлиги таъминланган. Жорий йилда эса 380 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Хизмат кўрсатиш, тадбиркорликка жалб этиш ва маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эътибор қаратиш осон иш эмас, албатта. Масалан, ўтган йили вақтинча ишсиз юрган 1 069 нафар ёшнинг бандлиги таъминланган. Жорий йилда эса 380 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Хизмат кўрсатиш, тадбиркорликка жалб этиш ва маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эътибор қаратиш осон иш эмас, албатта. Масалан, ўтган йили вақтинча ишсиз юрган 1 069 нафар ёшнинг бандлиги таъминланган. Жорий йилда эса 380 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Хизмат кўрсатиш, тадбиркорликка жалб этиш ва маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эътибор қаратиш осон иш эмас, албатта. Масалан, ўтган йили вақтинча ишсиз юрган 1 069 нафар ёшнинг бандлиги таъминланган. Жорий йилда эса 380 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Хизмат кўрсатиш, тадбиркорликка жалб этиш ва маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эътибор қаратиш осон иш эмас, албатта. Масалан, ўтган йили вақтинча ишсиз юрган 1 069 нафар ёшнинг бандлиги таъминланган. Жорий йилда эса 380 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Хизмат кўрсатиш, тадбиркорликка жалб этиш ва маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эътибор қаратиш осон иш эмас, албатта. Масалан, ўтган йили вақтинча ишсиз юрган 1 069 нафар ёшнинг бандлиги таъминланган. Жорий йилда эса 380 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Хизмат кўрсатиш, тадбиркорликка жалб этиш ва маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эътибор қаратиш осон иш эмас, албатта. Масалан, ўтган йили вақтинча ишсиз юрган 1 069 нафар ёшнинг бандлиги таъминланган. Жорий йилда эса 380 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Хизмат кўрсатиш, тадбиркорликка жалб этиш ва маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эътибор қаратиш осон иш эмас, албатта. Масалан, ўтган йили вақтинча ишсиз юрган 1 069 нафар ёшнинг бандлиги таъминланган. Жорий йилда эса 380 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Хизмат кўрсатиш, тадбиркорликка жалб этиш ва маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эътибор қаратиш осон иш эмас, албатта. Масалан, ўтган йили вақтинча ишсиз юрган 1 069 нафар ёшнинг бандлиги таъминланган. Жорий йилда эса 380 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Хизмат кўрсатиш, тадбиркорликка жалб этиш ва маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эътибор қаратиш осон иш эмас, албатта. Масалан, ўтган йили вақтинча ишсиз юрган 1 069 нафар ёшнинг бандлиги таъминланган. Жорий йилда эса 380 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Хизмат кўрсатиш, тадбиркорликка жалб этиш ва маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эътибор қаратиш осон иш эмас, албатта. Масалан, ўтган йили вақтинча ишсиз юрган 1 069 нафар ёшнинг бандлиги таъминланган. Жорий йилда эса 380 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Хизмат кўрсатиш, тадбиркорликка жалб этиш ва маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эътибор қаратиш осон иш эмас, албатта. Масалан, ўтган йили вақтинча ишсиз юрган 1 069 нафар ёшнинг бандлиги таъминланган. Жорий йилда эса 380 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Хизмат кўрсатиш, тадбиркорликка жалб этиш ва маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эътибор қаратиш осон иш эмас, албатта. Масалан, ўтган йили вақтинча ишсиз юрган 1 069 нафар ёшнинг бандлиги таъминланган. Жорий йилда эса 380 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Хизмат кўрсатиш, тадбиркорликка жалб этиш ва маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эътибор қаратиш осон иш эмас, албатта. Масалан, ўтган йили вақтинча ишсиз юрган 1 069 нафар ёшнинг бандлиги таъминланган. Жорий йилда эса 380 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Хизмат кўрсатиш, тадбиркорликка жалб этиш ва маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эътибор қаратиш осон иш эмас, албатта. Масалан, ўтган йили вақтинча ишсиз юрган 1 069 нафар ёшнинг бандлиги таъминланган. Жорий йилда эса 380 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Хизмат кўрсатиш, тадбиркорликка жалб этиш ва маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эътибор қаратиш осон иш эмас, албатта. Масалан, ўтган йили вақтинча ишсиз юрган 1 069 нафар ёшнинг бандлиги таъминланган. Жорий йилда эса 380 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Хизмат кўрсатиш, тадбиркорликка жалб этиш ва маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эътибор қаратиш осон иш эмас, албатта. Масалан, ўтган йили вақтинча ишсиз юрган 1 069 нафар ёшнинг бандлиги таъминланган. Жорий йилда эса 380 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Хизмат кўрсатиш, тадбиркорликка жалб этиш ва маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эътибор қаратиш осон иш эмас, албатта. Масалан, ўтган йили вақтинча ишсиз юрган 1 069 нафар ёшнинг бандлиги таъминланган. Жорий йилда эса 380 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Хизмат кўрсатиш, тадбиркорликка жалб этиш ва маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эътибор қаратиш осон иш эмас, албатта. Масалан, ўтган йили вақтинча ишсиз юрган 1 069 нафар ёшнинг

ИМОМ БУХОРИЙ МАЖМУАСИ:

ПРЕСС-ТУР

МАЪНАВИЙ УЛУҒВОРЛИК ВА ЗАМОНАВИЙ МЕЪМОРЧИЛИК ТАЖАССУМИ

Самарқандда янгидан қад ростлаган Имом Бухорий мажмуаси нафақат Ўзбекистоннинг, балки бутун ислом оламининг энг муаззам зиёратгоҳларидан бирига айланди. Яқинда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва Туризм қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган медиа-тур давомида биз ушбу мажмуада амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, миллий меъморчиликнинг ноёб намуналари ва зиёратчилар учун яратилган мисли кўрилмаган шароитлар билан яқиндан танишдик.



Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 19 март куни, муборак Рамазон ҳайити арафасида мажмуага ташрифи чоғида шундай деган эди: “Ушбу бетакрор қурилиш Янги Ўзбекистоннинг улкан имкониятларини яққол намоён этади. Зиёратгоҳ халқимиз учун, жаҳондаги барча мусулмонлар учун эзгулик ва маърифат нуруни таратадиган қутлуғ масканга айланади”.

Дарҳақиқат, мажмуага қадам қўйган ҳар бир инсон бу ердаги маънавий муҳитдан баҳраманд бўлиб, ислом динининг асл моҳияти – тинчлик ва маърифат эканини англаб етди. Мажмуанинг умумий майдони 63,2 гектарни ташкил этиб, ундаги барча иншоотлар ягона меъморий ва маънавий ғоя асосида барпо этилган. Зиёратгоҳ худудига қадам қўйар экансиз, кўкаламзорлаштирилган яшил майдонлар сизни қарши олади. 23 турдаги дарахт, 25 дан ортиқ турдаги бута ва гуллар худудга ўзгача тароват бағишлаб турибди.

Дастлаб 2017 йилда Президент қарори билан ташкил этилган Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази фаолияти билан танишдик. Марказ директори ўринбосари Отабек Муҳаммадиевнинг таъкидлашича, бугунги кунда ушбу марказ Оксфорд, Кембриж каби дунёнинг 50 та етакчи ислом тадқиқот марказлари билан ҳамкорлик қилмоқда. Марказнинг илмий салоҳияти ҳайратланарли. Миср ва Саудия Арабистонидан 130 мингта кўлэзма ва нодир асарларнинг электрон нусхалари келтирилган. Лабораторияда 550 та нодир кўлэзма консервация қилинган. Алломаларимизнинг 52 та ноёб асари ўзбек тилига таржима қилиниб, жами 128 та китоб ва рисола нашр этилди.

Журналистларда, айниқса, 9 та павильондан иборат инновацион музей катта таассурот қолдирди. Музей витриналаридан ўрин олган Имом Бухорийнинг ҳаёт йўли, мусаввирлик ишлари ва нодир экспонатлар Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг ислом оламидаги беқиёс ўрнини англашга ёрдам беради.

Мажмуа марказида ўн минг кишини ўз бағрига сиғдира оладиган улғувор масжид қад ростлаган. Унинг ўзига хос муҳандислик ечими – 38х38 метр ўлчамдаги устунсиз марказий қисми ибодат қилувчилар учун кенг ва ёруғ фазо яратади. Масжиднинг бош гумбази диаметри 19 метрни ташкил этиб, у тўрт томондан кичик гумбазлар билан уйғунлаштирилган. Тўрт бурчагида кўкка буй чўзган 75 метрли тўртта минора нафақат зиёратгоҳнинг салобатини узоқ-узоқлардан кўрсатиб туради, балки юртимиздаги бунёдкорлик қудратининг рамзини ҳам намоёйиш этяпти.

Муҳаддислар султони мангу кўним топган мақбара биноси ҳам кенгайтирилиб, янги қиёфа касб этди. Аввалги 9х9 метр ўлчамда-

ги мақбара ўрнида эндиликда 14х14 метр ўлчамдаги, баландлиги 27 метр бўлган мухташам иморат қад кўтарган. Мақбаранинг ер ости зали 1 850 квадрат метр майдонга эга бўлиб, зиёратчилар учун барча қулайликлар муҳайё қилинган.

Мажмуа беағида ишлатилган материаллар дунёнинг энг сара конларидан келтирилган: Грециянинг “Snow White Thassos” мрамми энг сифатли оқ мрамр ҳисобланиб, жазирама иссиқда ҳам паст ҳароратни сақлайди; Афғонистон оқ мрамми кўшни давлатнинг махсус совғаси сифатида тақдим этилган; Туркиянинг “Aran White” тоши – масжид ички қисми ва устунларида миллий ўймакорлик билан безатилган. Шунингдек, Финляндия, Португалия ва Ҳиндистондан келтирилган ноёб тошлар, безаклардаги зумрадлар мажмуа нафосатини оширган.

Президентимиз ташаббуси билан Туркиянинг “Outdoor Factory” компанияси ҳамкорлигида қурилган инновацион музей мажмуанинг диққатга сазовор масканларидан биридир. 9 та павильондан иборат бу музейда Имом Бухорийнинг ҳаёт йўли, 25 пайғамбар тарихи ва

ҳадисларнинг жамлаиш жараёни замонавий технологиялар ёрдамида акс эттирилган.

Мажмуанинг техник инфратузилмаси халқаро стандартларга тўла жавоб беради. 15 гектар майдондаги Туризм марказида 1 та тўрт юлдузли ва 2 та уч юлдузли замонавий меҳмонхона, 22 та (176 ўринли) оилавий меҳмон уйлари фаолият кўрсатмоқда. Аввал кунга 12 минг зиёратчи қабул қилинган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич 65 минг нафарга етди. Худудда 8 та лифт, 4 та эскалатор ва соатига 1 600 кишига хизмат қилиш қувватига эга замонавий таҳоратхоналар мавжуд. 1 813 та автомобиль учун мўлжалланган кенг майдонда ногиронлиги бор шахслар учун махсус жойлар ва электромобилларни қувватлаш нуқталари яратилган.

Умуман олганда, мажмуа шунчаки зиёратгоҳ эмас, балки халқимиз, айниқса, ёш авлод учун юксак маънавият, тарбия ва ибрат мактабидир.

ёфаси – Янги Ўзбекистоннинг ўз тарихий илдиэларига содиқлиги ва келажакка бўлган юксак интилишининг амалий ифодасидир. Мажмуадаги инновацион музей, Илмий-тадқиқот маркази ва яратилган замонавий инфратузилма ОАВ вакиллари учун катта ижодий майдон ҳисобланади. Журналистлар уюшмаси соҳамиз вакилларининг бу каби муқаддас қадимжоларни зиёрат қилиши ва у ердаги ўзгаришларни профессионал маҳорат билан ёритиши ҳаминша қўллаб-қувватлайди.



Назокат ХОЛМЕТОВА, “Маърифат” газетаси муҳбири:

– Имом Бухорий мажмуасига аввал ҳам бир неча бор келганман. Аммо бу галги сафар мен учун мутлақо янги дунёни кашф этиш билан баробар бўлди. Биринчи қадамдан оқ кўкка ташланадиган улғуворлик ва салобат кишини ҳайратга солади.

Мени журналист сифатида энг кўп тўлқинлантирган жиҳат – бу ерда аждодлар мероси ва замонавий инновацияларнинг маҳорат билан уйғунлаштирилгани бўлди. Инновацион музейда юрар экансиз, гўёки тарихнинг ичига кириб қолгандек бўласиз. Ҳадисларнинг тўпланиши, бобомизнинг илм йўлидаги заҳматлари рақамли технологиялар ёрдамида шундай маҳорат билан ифодаланганки, бу ҳар қандай ёш авлод қалбида миллий ифтихор уйғотиши шубҳасиз.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА, “XXI asr” муҳбири



Акбархон МАГДИЕВ, Ўзбекистон журналистлар уюшмаси масъул котиби:

– Имом Бухорий мажмуаси нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё ислом олами учун муқаддас маскан ҳисобланади. Туризм қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этганимиз, бу галги медиа-турнинг бош мақсади – давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларини кенг жамоатчиликка, айниқса, хорижий сайёҳларга бор буй-басти билан кўрсатиб беришдир. Зеро, Имом Бухорий мажмуасининг янги қи-

КУН МАВЗУСИ

Нақднинг кетди – вақтинг кетди

ЁХУД НОСФУРУШ ҲАМ ТЕРМИНАЛДА САВДО ҚИЛИШГА МАЖБУРМИ?

...Кирақаш танишим ёзғириб қолди: “1 апрелдан энгил уловларга бензин ва газ ёнилғиси шохобчаларда фақат пластик карталар орқали берила бошлади. Нима қилай, пластик карта олдим. Бу ёқда эса... одамларнинг пластик карталаридан пулларини турли йўллар билан ечиб олаётган фирибгарлар кунора “болалаб” кетаётгани ҳақида ижтимоий тармоқларда бонг уриб ётишибди. Картамга оз-оздан пул ташлаб турман-да энди...”

Бир танишим банкда ишлайди. Беш йиллар муқаддам Европада хизмат сафарига бўлиб қайтгач, у ёқларда банк тизими, ўзаро тўловлар аллақачон нақдсиз усулга ўтганидан ҳайрат-ла гурунг берганди: “Сафар арафасида чўнтак харажатлари учун керак бўлар деб икки минг доллар олиб кетгандим. Дўконларга кириб нимадир харид қилиб, доллар узатсам, менга ҳайрон бўлиб қарашди. Жамонат уловлари, бошқа хизматларда ҳам нақд пул деярли ишлатилмас экан. Одамлар шунга ўрганган. Ҳали вақт келиб бизлар ҳам шу амалиётга ўтармиз”.

Ўзаро тўловларнинг электрон усулда ёки пластик карта орқали амалга оширилиши аслида яхши. Бу жаҳоний тажриба ва андаза. Бунда, аввало, коррупциянинг олди олинди, “яширин иқтисодиёт” га чек қўйлади. Истасак-истасамас, айрим тадбиркорлар нақд пул орқали олди-берди қилиш асносида даромадларини яширади, солиқдан қочади. Қандай қилиб дейсизми? Ёнилғи қуйиш тизимда “яширин иқтисодиёт” ушбу кўринишда: бензин, пропан ёки метан миқдори етказиб берувчи ва сотувчи ўзаро келишувига биноан асл ҳужжатларда кўрсатилганидан ортиқ бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда “кувур эгаси” ортиқча газни етказиб берган ёнилғи қуйиш шохобчасидан улушини нақд пулга олади. Бу савдода шохобча эгаси ҳам бир нималик бўлиб қолиши аниқ. Савдо пластик карта орқали амалга оширилганда ўша ортиқча маҳсулот аён бўлиб қолади. Бу коррупциянинг томири қирқилди, дегани. Ёки спиртли ичимликлар, тама-

ки маҳсулотлари савдосида ҳам худди шундай “яширин иқтисодиёт” мавжуд. Ижтимоий тармоқларда тез-тез қай бир худудда савдо марказисиз, кўлбола тайёрланган спиртли ичимликлар ёки тамаки маҳсулотлари айланмасига чек қўйилгани ҳақидаги хабарларга кўзимиз тушяпти. Худди шу иллатга эга маҳсулотлар савдо шохобчаларида нақд пулга сотилиб, фойдаси томонлар ўртасида тақсимланади. Шу пайтгача шундай бўлиб келган. Энди айна шу турдаги маҳсулотлар фақат пластик карта орқали харид қилиниши сохта тадбиркорларнинг қаласига ўт қўйилиши билан баробар. Негаки, савдо дўконига етказиб берилган маҳсулот миқдори, баҳоси билан банкка тушум ўртасида мутаносиблик юзага келади.

1 апрелдан коммунал тўловларни ҳам нақд пулга ҳисоблаиш амалиёти чекланди. Бу ҳам бир томондан яхши, аммо... Пенсияни нақд олаётганлар ёки маош олмайдиган фуқаролар қўлида пластик карталар йўқ эди шу вақтгача. Янгилик амалиётга айлангач, бу тоифа фуқаролар ҳам банклардан пластик карталар олишга мажбур бўлишди. Бу эса фуқаролар қўлида пластик карталар сони деярли икки хисса ошди дегани.

Пластик карта – “кўринмас чўнтак”. Ўзаро тўловларда бу жуда қулай: фуқаро ҳам вақтини, ҳам ортиқча маблағини тежайди. Олдингилардек коммунал тўловлар учун туман марказига қатнаб юрмаслик бир тараф бўлса, шу тўлов жараёнида ноаниқликлар рўй беришида кафолатли ҳам бир тараф. Коммунал тўловлар-

ни ундириш баҳона уйма-уй изғийдиган айрим ноқаслар нақд пул олиб ва ҳатто сохта ҳужжат бериб кетишлари ортидан қанчан-қанча мождарлар чиққанига ғувоҳимиз. Энди эса уйда ўтириб, “Click” тизими орқали барча коммунал тўловларни ҳисобрақамларига ўтказасиз. Пул қачон ўтгани ҳатто соату дақиқасигача қайд қили-

эвазига очиб беради. Йўловчилардан оладиган кира ҳақларини шу пластик картасига тушириш учун банкномалар ҳам бир фоизлик хизмат ҳақи олади... Бир қарашда бу жуда майда миқдор бўлиб кўриниши мумкин. Лекин кира-қашнинг ойлик даромади етти хонали рақамларга етганида ўша фоизлар ҳам салмоқлигина суммани ташкил

ўша “кўринмас чўнтак”ка кўз текиб, ундаги маблағни турли алдов усуллари билан сония ичида ечиб олишни қасб қилган фирибгарлар фаолиятига қачон нуқта қўйлади, қачон истеъмомчи ҳар дақиқада “Пластикимдаги пул жойида турибдимики?” деб такрор ва такрор текшириб туришдек хавфдан халос бўлади?

камроқ кўрсатади. Шу орқали давлат божини оз тўлайди. Бу сотувчи томонга фойда, хариддорга эса зиён. Кўчмас мулк ёки автомобилга табиий офат зарар етказганида сугурта идоралари ўша нотариус тузган шартнома миқдоридан келиб чиқиб зарарни қоплайди. Аслида амалдаги бу каби ҳолатлардан ҳам коррупциянинг хиди келади.

Ва яна айнан кўчмас мулк ёки энгил уловлар савдосида фирибгарлик авжига чиқмаслигига кафолат борми? Уй оламан деб олдиндан пулини тўлаб, кейин ҳам уйсиз, ҳам пулсиз қолганлар қанча. Энди пулни банк орқали тўлаб, турли фирибгарлик найранглирдан ҳимояланасиз.

1 апрелдан айрим тўловларда нақд пулсиз усулга ўтилиши ижтимоий тармоқларда турли баҳсларни юзага келтирди. Айримлар миллий валютамиз муомаласида чекловлар ўрнатилмаётир деб ўзларича сиёсий тус беришгача боришди, ҳатто. Буъзилар наздида гўёки “сўм умуман муомаладан чиқарилган” эмиш. Энг кулгилиси, бировлар “энди носфурӯшлардан носни нақд пулга ололмайсиз”, дейишгача боришди. Улар нос ҳам тамаки маҳсулоти ҳисоблангани учун носфурӯшлар терминал орқали савдо қилишга мажбур деган ёлғон маълумот тарқатаётгани эди. Аслида...

Ушаларга айтмоқчи бўлганимиз: бозорлару барча савдо шохобчаларида нақд пул муомаласига ҳали ҳеч ким чеклов киритгани йўқ. Ёки самолёт, поезд чипталари ҳам нақд ёки пластик карта орқали сотилмоқда. Чорва моллари, деҳқон бозорлари ҳақида-ку айтмай қўя қолайлик.

Президентимиз жорий йилни коррупцияга қарши курашишда фавқулодда йил деб эълон қилгани “яширин иқтисодиёт” илдиэ отган соҳаларнинг танабини тортиш мақсадида тўловлар тизимига ўзгаришлар киритишга йўл очиб берди. Бу янгиликнинг самарасини ақин орада ҳар биримиз ҳаётимизда ҳис қилсак ажаб эмас!

Рўзимбой ҲАСАН, “XXI asr” муҳбири



ниб, тасдиқловчи чек сония ичида телефонингизга келиб тушади. Ҳеч бир инсофсиз ундирувчи эътироз билдирма олмайди.

Масаланинг яна бир томони, фуқаро қимматбаҳо нарса харид қилиш учун йўлга отланар экан, чўнтагидаги пулни кассавурлар ўмариб кетишидан хавфсирмайди. Пластик картани ўғирлашдан наф йўқ – код рақамини билмасангиз, банккоматдан сарик чақа ҳам ололмайсиз (*Айнан ҳисоб-китоблар нақд пулсиз тизимга ўтгач, “киссавурлик” хунари касодга учраганини ҳам эслатиб ўтиш жоиз*).

...Яна кирақаш йигитнинг ёзғиршига қайтамиз. Бу амалиётдан у қандай наф ёки зарар кўради? Пластик картани банк маълум миқдор пул

қилади. Аммо у йўловчилардан оладиган йўлқирани тўлалигича пластик картасига туширмайди-ку! Фақат газ ёки бензин қуйишга етадиган пулни картасида сақлайди. Янги тўлов усулида бир ойда кўпи билан юз минг сўм ортиқча чиқим қилар, аммо шу чиқими “яширин иқтисодиёт” етказмаётган миллиардлаб ўмаришлар йўлига мустаҳкам ғов бўлади. Давлат ғазнасига тушган ҳар бир сўм юрт ободлиги, эҳтиёжмандларни қўллаб-қувватлаш, турли ижтимоий тўловлар, фарзандларимиз келажаги учун сарфланаётганини эсласак, электрон савдо қилмаётган ҳар бир фуқаро бу эзгу ишга ўз улушини қўшаётганини англаб етиши керак!

Бирок битта “лекин”и ҳам бор.

9 АПРЕЛЬ – СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

УЛУҒ АМИРНИНГ МУТОЙИБАСИ

Зоҳид юз йил ибодат қилганидан яхшидир,
Бир соатлик адолат Амир умрин нақшидир.

Амир Темур Кўрагон Форс вилоятини эгаллаган кунлари машҳур шоир Ҳофизни суҳбатлашиш мақсадида ҳузурга чақиртиради. Икки буюк зотнинг бу учрашуви адабиётдагина эмас, тарихда ҳам муҳим воқеа бўлгани, дўстона ҳазил-мутойибадан бошланган суҳбат жиддий мунозара тусини олгани айтилади:

...Темурбек Форс вилоятини эгаллаб Шероз шаҳрига қадам қўяди. У шеърлари тилларда дoston бўлган шоирни ҳузурга чақиради. Ҳаял ўтмай, қариб бели букилган, бир кўзидан ёш оқиб турадиган кишини олиб келтиришади.
– Шамсиддин Муҳаммад Ҳофиз сенмисан? – деб сўради у.
– Ҳа, камина қулингиз Ҳофизман, – деб жавоб берди шоир.
– Мен Самарқанду Бухорони обод қилиш мақсадида қилч кўтариб юрсаму, – деди Темурбек, – сен бир шеърингда менинг икки улуг шахримни турк гўзали энгидидаги бир қора менгига совға қилибсан. Бу нимаси ахир?

Агар он турки Шерозий ба даст орад дили моро,
Ба холи ҳиндуяш бахшам Самарқанду Бухороро.

(Дилимни овласа ул турки Шерозий, ўшал они,
Берай бир ҳинду холига Самарқанду Бухорони).

– Эй тўрт улус хоқони Амир Кўрагон ҳазратлари, – деди шоир, – мен қулингиз гўзаллик шайдоси, хусну латофат аҳлининг гадосиман. Кўнглим бўшлиги ва қўлим очиклигидан мана шундай йўқчиликка тушиб ўтирибман. Мен қари қулингизни кечиринг.
– Майли, бу байтингни кўйиб турайлик. Бошқа шеърингда шундай байт бор эмиш:

Сокинони Ҳарамни сатри ифофи малакут,
Бо мани роҳ нишин бодаи мастона заданд.

(Бокира, покиз малаклар Ҳарамдан айлаб сафар,
Йўлда мен-ла май ичиб масти аласт ўлтирдилар).

– Шу байт ҳам сеникими? Сен Худонинг ҳарамни бор деб гуноҳга ботибсан. Бунинг устига Оллоҳнинг покчилигига шубҳа ва тухмат ҳам қилибсан. Эмишки, фаришталар ҳарамдан чиқиб келиб, йўл бўйида сен билан май ичиб маст бўлганмиш. Бунга нима деб жавоб берасан?

– Тушунтириб беришга ижозат этинг, – деди Ҳофиз, – “Сатри ифода” сўзлари Худонинг ҳарамни шарифи муқаддас даргоҳ эканига ишора қилади. Яъни, ул ерда бегоналарга ўрин йўқ. Мен бу сатрларни баҳор кунларининг бирида тонг чоғи ёзган эдим. Ушанда бутун Шероз ҳавоси гуллар ҳиди билан муаттар бўлган эди. Мен маст бўлиб қолгандай эдим. Ўзимни коинотнинг бир бўлагидек ҳис этардим. Гўёки фаришталар билан сўзлашгандай бўлардим. Улар менга яратилиш сирларини очиб бергандай бўлдилар. Мен шу ҳолатни “мен билан май ичдилар” деб ёзиб қўйибман. Демакки, ўзим ҳис этган нарсаларни шеър қилишга сола олмабман.

Орифлар кўп ўйлаб, кўп нарсаларни сезадилар, аммо бу туйғуларни сўз билан баён этиш қийин кечади. Маънавий ҳиссиётларни ҳеч ким тўла-тўқис тасаввур қила олмайдди. Шунга ўхшаш мен ҳам фаришталардан нимани сўрадим, улар нима дейишди, ҳозир айтиб беролмайман. Борди-ю айтганимда ҳам воқеанинг юз мингдан бир бўлагини айтган бўламан. Рухимга кўрсатган таъсирини таърифлаш қўлимдан келмайди. Уша баҳор кунни тонгиди мен ўзимда эмасдим, ихтиёрим қўлдан кетган эди...
– Бир ғазалингни яхши бошлаган экансан:

Маро ишқи сияҳчашмон зи дил берун нахоҳад шуд,
Қазойи осмон аст, ин-у дигаргун нахоҳад шуд.

(Қаро кўзларнинг ишқи бу кўнгулдин қай замон чиққай,
Тусатдан тушса савдо, найласин ошиқ, илож топмай?)

Аммо кейинги байтда айтибсанки:

Худоро, муҳтасиб, моро ба фарёди дафу най бахш,
Ки сози шаръ аз ин афсона беконун нахоҳад шуд.



(Дафу най ноластин, эй муҳтасиб, Тенгри учун афв эт,
Шариат созини қонунсиз этмас ун, баён айлай).

– Бу даъво билан динга қарши сўзлаганингни биласанми? – деди улуг амир.
– Эй яхшиларнинг подшоҳи, – деб жавоб берди шоир, – бу мисраларни ёзишдан мақсадим шариатга шак келтириш эмас, арзимас доира ва найнинг овози эди. Доира ва найнинг навоси жуда аҳамиятсиз бир нарсаси бўлиб, улуг дин ҳукмларига қилча ҳам зарар келтиролмайди. Шунинг учун куйни ҳавойи афсона, чўпчак демокчи бўлганман. Кўнглимдаги мақсадимни шеърда аниқ-тиниқ ифода қилолмаган бўлсам уэр сўрайман.
– Бу сўзларинг билан ўзингни оқлаб, мени чалғитмоқчисан, – деди Амир, – ёшинг улуглиги сабабли сени Тенгри учун кечираман.

Қим йиғласа ишқида Ҳофиз каби ниҳоят
Ун тўрт ривоят ила Қуръон қилур қироат.

Ҳофиз шеърин фасоҳатга ёрлиги –
Сабаби: кўксиди Қуръон борлиги.

Тонг туриб соғлиқ тилаш – Ҳофиз қулинг қоида-си,
Онча бойлик топганим Қуръон ўқининг фойда-си.

– Эй ширин сўзли киши, Қуръонни бошдан-оёқ ёд олганимсан? – деб сўради Амир.
– Ҳа, – деб жавоб берди шоир.
– Менга “Аъроф” сурасининг этагидан бошлаб оят ўқиб берсанг, – деди Амир.
– Суранинг адоғидан бошига қараб оят ўқи демокчи бўлсангиз, мен бундоқ тескари ўқишни билмайман, – деди Ҳофиз.
– Мен эса истаган сурангни охиридан бошига қараб ўқиб беришим мумкин, кўркмасдан сўрайвер, – деди Амир.
Ҳофиз “Бақара” сурасини ўқиб беришни сўради, Амир Темур ўша сурани охиридан бошига қараб ўқиб тугатди. Шунда Ҳофиз:
– Эй Амир, камина Қуръон ҳофизни бўлсам-да, сиздек донишманд зот олдида оддий қори эканимни ҳам айта олмайдим, – деди.

Ҳофизни Самарқандга олиб кеткиси келиб қолган Амир шундай деди:
– Бир ғазалингда айтган экансанки:

Ба шеъри Ҳофизни Шероз меҳоханду меҳоханд,
Сияҳчашмони Кашмирию туркони Самарқандий.

(Қаранг, шерозли Ҳофизнинг ширин шеърин ўқиб ўйнар
Самарқандлик гўзал турку қаро кўз кашмирий ҳиндилар).

Уша ўзинг тилга олган гўзал Самарқандни кўришни истамайсанми?

– Эй фотиҳ амир, – деди Ҳофиз, – йигитлик йилларимда Туронни, афсонавий мовий гўмбазли Самарқанду Бухорони кўришга жам ордуман эдим. Энди бўлса қариб қолдим. Талаб водийсига етиб борсам ҳам, мақсуд гулини термай туриб она Шерозимга қайта олмайдим деб қўрқаман.
– Эй тили нофиз шоир Ҳофиз, – деди улуг амир, – сен Шероздан бошқа юртни кўрмаганинг учун ундай шаҳар бошқа ерда йўқ деб ўйлайсан. Сенинг Шерозинг менинг Самарқандим олдида кўрмисиз бўлиб қолади. Самарқанд илгаридан гўзал шаҳар эди. Мен уни янада безатиб, дунёнинг энг чиройли шаҳрига айлантирдим. Шерозда битта улуг жомеъ масжиди, яна олтига ўртача масжид бор. Самарқандда эса икки юздан кўп катта жомеъ масжид бўлиб, мовий гўмбазли узра олтин ҳиллолар товланиб туради. Шаҳар ёнидаги тепалиқдан қарасанг, масжиду мадрасалар, боғу гулзорларни кўриб жаннатни томоша қилгандек бўласан.

Улуг амининг Ҳофизни Самарқандга олиб кетиш тилаги амалга ошмади. Ориф шоир ўз шаҳрини кўйиб, Самарқанд сори озланмишга унамади. Қарилгани баҳона қилди. Амир Темурнинг эса уни бу йўқчиликка ташлаб кетишга кўзи қиймасди. Шу лаҳза хаёлидан Ҳофизнинг бир байти ўтди:

Эй Хизр қутлуғқадам, тут қўлимдин, эргашай,
Отлидир йўлдошларим, мен яёв, кел, мингашай...

Амининг раҳми келди. Марҳамат дарёси жўш уриб кекса шоирга минг динор олтин тухфа қилди.

Бу оламшумул гурунғ қаҳида кўп адиблар ёзишган. Фахриддин Али Сафий, Марсел Брон, профессор Артур Жон Арберри, Асқад Мухтор, Чингиз Айтматов, Забиҳулло Мансурий, Эргаш Учқун каби муаллифлар номини яна давом эттириш мумкин.

Толиб НОСИР,
шоир ва таржимон,
“Риштон ҳақиқати” газетаси муҳаррири

УШБУ АЖОЙИБ АСАР ТОҲИР ҚАҲҲОР
ТАРЖИМАСИДА 2019 ЙИЛИ “ЖАҲОН АДАБИЁТИ”
ЖУРНАЛИНИНГ 5-6-СОНЛАРИДА ЧОП ЭТИЛГАН. АСОСАН
ТАРИХИЙ МАНБАЛАРГА ТАЯНГАН ҲОЛДА ЯРАТИЛГАН КИТОБ
СОҲИБҚИРОН БОБОМИЗНИНГ МУҲИБУ МУХЛИСЛАРИНИНГ
КЎНГИЛ МУЛКИГА АЙЛАНМОҒИ ШУБҲАСИЗ. БИЗ ШУНДАЙ
МУБОРАК КУНДА ТУРКИЯЛИК ҚАРДОШИМИЗ АСАРИГА
ЁЗГАН СЎЗБОШИДАН ПАРЧА ЭЪЛОН ҚИЛМОҚНИ ЛОЗИМ
КЎРДИК.

...1989 йил. Ушанда Арзирумдаги Отатурк университети адабиёт факультетининг тарих бўлимида биринчи босқич талабаси эдим. Салжуқийлар тарихининг таниқли билимдонларидан М. Олтой Кўйман Анқарадан келиб бизга дарс ўтар, бир ойлик сабоқни бир ҳафтада бериб, бошкентга қайтиб кетарди. Биринчи дарсида сўзлаганлари, айниқса, “Оллоҳдан биргина тилак тила десалар, Темур жаннат юзини кўрмасин, дея сўрардим”, дегани ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди.

Қаранг, бу қандай тилак, қандай хусумат-а? Тушуниш қийин. Уша даврда мактаблар, бошқа ўқув юртларида “Тўпол Темур”, “Темурланг”, “Оқсоқ Темур” иборалари нима учун омалашганини кейинроқ англаб етдим.

Ҳа, усмонлилар ҳоқони Йилдирим Боязид билан Анқара урушида жанг қилган ва ғолиб келган Темурни усмонли тарихчилари мудом қоралади ва ноҳақ танқид қилди. Яхшиямки, Саъиддин афанди (Хўжа Саъиддин афанди – усмонли тарихчиси (1536–1599), шайхулислом, мударрис, қоziаскар. “Тож ут-таворих” асарининг муаллифи (тарж.) каби кейинги давр тарихчилари Амир Темурга ҳаққоният билан ёндаша бошлади ва талай ҳақиқатларни юзага чиқарди.

Шунга қарамай, Темур нега бизга асрлар мобайнида нотўғри таништирилди? Аслида-ку, бизнинг наслларга нотўғри англатилган фақат Темургина эмасди. Усмонлилар тўғри тушунтирилди? Фотиҳ, Ёвуз, Қонуний ва Абдулҳамидхон Иккинчи ҳам тухматлар дўлидан қутула олмади-ку!

Афсуски, Амир Темурга душманлик, унинг шахсига ёвлар

БҮЮК ЭЪТИРОФ

ёхуд таниқли турк олими, профессор
Аҳмад ШИМШИРГИЛнинг “Амир Темур”
асарини ўқиганмисиз?

ча қараш фақат Туркиядагина эмас, бутун туркий мамлакатларда, ҳатто бутун дунёда кенг ёйилган эди.

Масалан, Амир Темур золим советлар даврида барча туркий жумҳуриятларда нуқул ваҳший, қонхўр шахс сифатида қораланарди. Рус ва совет тарихчилари ҳамда ёзувчилари китобларида Амир Темур шафқатсиз ва ғаддор дея гавдалантирилди, рассомлар асарларида ҳам унинг сиймоси ана шундай қора бўёқларда тасвирланиб, оммавий онгни заҳарлашга ҳаракат қилинарди.

1941 йилда Сталин амри билан Темурга нисбатан яна бир ҳурматсизлик қилинди. Ўзбекларнинг ёлвориси ва кўзёшларига қарамай, унинг мазори очилиб, илмий ўрганилиш учун суяклари Москвага олиб кетилди. Бир томонда антропологлар бош чаногини текшираётган, бошқа томонда унинг тимсоли яратилди. Бу тимсолий ҳайкалда Амир Темур кўрқинчли, ваҳший ва ёввойи тарзда кўрсатилди. Афсуски, Туркияда босилган бир қатор китоблар, романлар ва қомусларда ҳам ана шу расмдан фойдаланилди. Уша йилларда турк меъморларининг улуги Меъмор Синон жасадида нисбатан ҳам шунга ўхшаш ҳурматсизлик қилинганини ва унинг бош чаногини йўқолганини унутмаслик керак.

Мустабид шўро давридаги зулм зарбалари фақат жислар эмас, руҳларга ҳам қаратилган бўлиб, Амир Темур ўз ватанида ҳам муносиб даражада танитилмас эди. Шу тариқа, ўзбекларни тарихи, маданияти ва анъаналаридан узоклаштиришга уриниларди. 1991 йилда Ўзбекистон мустақиллиги эълон этилганидан кейингина Амир Темур номи, шони ва бой мероси, хотираси ва шахсига янгича, ҳақиқий муносабат пайдо бўлди.

Албатта, туркларнинг улуг зотларига нисбатан бундай душманликларнинг очиқ ва яширин сабаблари бор. Биз бу ўринда уша сабаблар хусусида сўзламоқчи эмасмиз. Зеро, бу китобни ўқиганингда, Темурга қарши бутун кину адоватлар қаердан пайдо бўлганини осонгина тушуниб оласиз.

Тарихий ҳақиқат шуки, Амир Темур бугун дунёнинг тўрт буюк жаҳонгиридан бири сифатида тан олинмоқда.

У ўзи олиб борган бирор урушда енгилмаган буюк маршалдир.

Амир Темур мўғуллар маҳв этган Туркистон оламини янгидан кучли ва бой ўлкага айлантирди. Ёқилган, йикитилган Ўрта Осиё шаҳарларини Кешдан Самарқандгача, Бухордан Термизгача тиклаб, янгидан жонлантди, мадраса, масжид, кўприк, карвонсарой, анҳорлар билан Ер юзини бегади.

Соҳибқирон ҳар бир ўлка ва миллат фақат илм аҳли, кучли насллар билан ҳаётини давом эттира олишини яхши биларди. Шу боис сайидлар, шайхлар, дарвишлар, олим ва шоирларга доим алоҳида эътибор берарди. У яшаган даврда Темурнинг ватани “Илм ва ҳикмат аҳли юрти”, дея улугларнард...

O‘zLiDeP Siёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси жамоаси партия Самарқанд вилоят кенгаши бўлим мудирини Жаҳонгир Хўжамқулловга отаси

Шаҳоб Хўжамқулловнинг
вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

МУАССИС: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI –
O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир ҳайъати:

Ақтам ХАЙТОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ
Сирожддин САЙИЙД

Дилшод ШОУМАРОВ
Равшан МАМУТОВ
Нодир ЖУМАЕВ

Гулшана ХУДОЁРОВА
Шухрат АСЛОНОВ
Абдулла АСЛОНОВ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:
xxi_asr@mail.uz
xxi_asr@mail.ru



Телефонлар:

қабулхона –
71 215-63-80
(тел. факс).

Обуна ва реклама
бўлими –
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлиги (собиқ Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва
оммавий коммуникациялар агентлиги)да 2011 йил
14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда
босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ,
Буюртма рақами: Г – 445
Адади: 6013
Баҳоиси келишилган нархда.
Топширилди – 19:50

Тахририятга келган кўлэмалар тақрир
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© “XXI asr”дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер
марказида терилди.

Саҳифаловчи:
Маъруфжон Раҳмонов



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир:
Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА